O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
3105093



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2009 йил 19 май, № 100 (4763) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб, 1-иловага мувофиқ, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини пасайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, бир ой муддатда, бино майдони ўлчамига, унинг неча қаватлилиги, ер участкаси майдони ва унда объектлар мавжудлигига қараб ишларнинг ҳар бир тури бўйича кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматларига белгиланган тартибда қайд этилган тарифларни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бавобаридан 2 баробари миқдоригача;

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловларни — энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса — энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (касаначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мунтазам равишда:

жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши мониторинги олиб борилишини таъминласин. Мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни, аниқ таклифлар билан биргаликда, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашига ҳар чоракда киритиб борсин;

жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 15 май

## МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ҚУДРАТБАХШ КУЧИ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб бормоқда.***



**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан улар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, бир қатор имтиёзлар берилаётгани муваффақиятларнинг бош омили бўлаётир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, тадбиркорликка кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини янада кенгайтирмоқда. Буни "Чирчиқ Шанхай Пласт" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Аслида, мазкур корхонанинг иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ: ўтган йили ташкил этилган. Аммо у хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозлангани туфайли бу ерда ишлаб чиқарилаётган юқори босимга чидамли қувурларга талаб тобора ортиб бораётир. Жорий йил биринчи чорагида 1 миллиард сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилгани бунинг исботидир. Маҳсулотларга Қирғизистон, Қозоғистон каби қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Жамоа ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, мижозлар талабини тўла қондириш мақсадида Қарши шаҳридаги филиалига технологик линиянинг навбатдаги босқичини ўрнатди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-1112-СОНЛИ ҚАРОРИГА

## ШАРҲ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда иқтисодиётнинг ғоят муҳим соҳаси бўлмиш кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қандай ўзгаришига қараб иш тута билишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантирадики, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва унинг даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Республикамизда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини "бир дарча" орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизгача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизгача пасайтирилди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк — "Микрокредитбанк" ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдиришга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъект-

(Давоми 2-бетда).

## ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН МАНБАЛАР — ЭНЕРГЕТИКАНИНГ КЕЛАЖАГИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда ташкил этилган «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш — келажакдаги энергетика барқарорлиги гарови» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

XX асрда, айниқса охирги 40 йил мобайнида, инсониятнинг иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларида энергияни истеъмол қилиши анча ошди. Қазиб олинадиган ёқилғи турлари — нефть, табиий газ, кўмир ва бошқалар яқин келажакда ҳам жаҳон энергетика балансининг асоси бўлиб қолаверади, қазиб олинган ва ишлатилган сари йилдан-йилга камайиб бораверади.

Энергия билан таъминлашнинг вужудга келган анъанавий усуллари шароитида иқтисодиётнинг янада ривожланиши ҳамда аҳоли сони кўпайиб бориши энергетика ресурсларини ишлатиш тегишлича кўпайишига ва шунинг оқибати ўлароқ, атроф-муҳитга салбий таъсирнинг кучайишига олиб келмоқда. Олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, кузатилаётган ялпи исиш жараёнлари ва бошқа табиат аномалиялари, кўп жиҳатдан, органик ёқилғи турларидан фойдаланадиган иссиқлик электростанциялари, саноат корхоналари ишлашидан ҳосил бўладиган газларнинг, шунингдек, ички ёниш двигателларидан чиқадиган ишлатилган газларнинг атмосферага чиқариб ташланиши билан боғлиқ. Ҳолбуки, углеводород хом ашёсини тежаш ва табиатнинг экологик ҳолатини яхшилаш қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларидан фаол фойдаланиш йўли билан таъминланиши мумкин. Мазкур энергия турларининг афзаллиги шундаки, улар углеводород ресурсларини электр токи ишлаб чиқариш мақсадида шунчаки ёқиб юбориш ўрнига, улардан нефть кимёси саноатида фойдаланиш учун бу ресурсларни бўшатиб олиш имконини беради. Мана шу ҳолатларни ҳисобга олганда, қайта тикланадиган энергия яқин истиқболда узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда жойлашган аҳоли пунктлари учун иқтисодий жиҳатдан асосланган, ҳаммабоп ва ишончли энергия манбаига айланиши мумкин.

Муқобил энергия турлари, чунончи геотермал энергиянинг, қуёш, сув, шамол ва биомасса энергиясининг (шу жумладан, маиший чиқиндиларни утилизация қилишдан олинадиган энергиянинг) имкониятлари илмий-амалий конференция қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди. Конференциядан кўзланган мақсад, анъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган асосли тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда қайта тикланадиган ноанъанавий манбаларни янада ривожлантириш йўлларини белгилашдан иборат бўлди.

Конференцияда қайд этилганидек, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг "Экоэнергия" илмий жорий этиш маркази ҳамда айрим корхоналар томонидан шамол ва фотоэлектр станцияларини, шунингдек, бир қатор бориш қийин бўлган туманлар ва қишлоқ жойларда муваффақият билан фойдаланиб келинаётган биогазэлектр қурилмаларни яратиш ва ишлаб чиқариш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Тегишли қонунчилик базаси яратилди. Шу асосда ноанъанавий энергия манбаларини яратиш ва жорий этишга қаратилган дастурларни амалга ошириш борасида режали ишлар олиб борилмоқда.

Илмий-амалий конференция қатнашчилари қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилдилар, Ўзбекистонда бу ишларни янада кенгайтириш концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар, бу соҳада қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни киритдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, олимлар, БМТ Ривожланиш дастури, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**(ЎзА).**

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгини турли зарарли ғоялар таъсиридан сақлашда олим ва тадқиқотчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларнинг масъулияти улкан экани алоҳида қайд этилган.***

### Ёшлар тарбияси ва маънавият

Бу жараёнда баркамол авлодни тарбиялаш ишига ҳисса қўшаётган ўқитувчилар, олима аёлларнинг ҳам ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган семинарда шулар ҳақида гап борди.

(Давоми 2-бетда).

***Қашқадарё вилояти иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажми тобора ошиб бораяпти. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида бу кўрсаткич 93 миллион АҚШ долларини ташкил этди.***

### Хорижий инвестициялар ҳажми кўпаймоқда

Чет эл сармоясининг асосий қисми ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияни жорий этиш учун сарфланмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, хорижий сармоя ҳажмининг ўсиши иқтисодиётга киритилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига амалга оширилди. Ҳудудий инвестиция дастурига киритилган корхоналарда жорий этилган лойиҳалардаги чет эл сармояси миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баравар кўпайди. Бунда "Кўкдумалоқгаз", "Шўртан газ маҳсулотлари" каби йирик қўшма корхоналар билан бир қаторда, минитехнология ва ихчам ускуналар ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантираётган кўп сонли тадбиркорларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлаяпти.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Тошкент тиббиёт академиясида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда "Хавфсиз овқатланишнинг энг муҳим беш тамойили" мавзуида туркум илмий-амалий семинарлар бўлиб ўтди.***

### Бебаҳо бойлик қадри

Маълумки, жаҳондаги барча мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам саломатликни мустаҳкамлаш соҳасидаги глобал ғояларни маҳаллий шароитларга мослаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Шу боис мазкур ташкилот томонидан озиқ-овқат масалаларига бағишланган амалий қўлланма ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилганлиги анжуманнинг асосий мавзусини ташкил этди.

Семинарнинг очилишида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти тиббиёт бўлими бош координатори Мишель Таят қатнашди.

**Дилноза ТОЖИЕВА.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



## Банк тизимининг барқарорлиги мустаҳкамланмоқда

**2009** йилнинг январь-март ойларида республикамизда банкларнинг жами капитали **46,3** фоизга ўсди.

**Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш бўйича изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли банк тизимининг барқарорлиги янада мустаҳкамланиб, шундай ижобий ўсишга эришилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-1112-СОНЛИ ҚАРОРИГА

# ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари кўрилди.

Қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 33,8 фоиздан ҳозирги вақтдаги 48,2 фоизгача кўпайди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина кичик бизнес соҳасида 374 мингдан кўпроқ янги иш жойлари яратилди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омили ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги ПҚ-1112-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилади.

Бу авваламбор, 2009 йил 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва иншоотларнинг ўлчов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшашга мўлжалланмаган бинолар ва иншоотлар кадастри учун бино (иншоот)ни ўрганиб чиқиш, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш ишларининг тарифлари икки баробар пасайтирилишидир. Бундан ташқари, топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Объект қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш қиймати тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар, яъни энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 10 баробари миқдоригача пасайтирилди, муҳандислик коммуникацияларига уланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинди. Натижада, аввал тадбиркор архитектура-режалаштириш топшириқларини тайёрлашга жами энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида ёки 1,1 млн. сўмдан кўпроқ тўлаши лозим бўлса, эндиликда, қабул қилинган мазкур қарорга мувофиқ, ушбу сумма 280400 сўмгача, қишлоқ жойларда эса 140200 сўмгача пасаяди.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ, лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 3 баробаригача ёки 3,3 баробарга пасайтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори пасайтирилди. Банкларда ҳисоб рақамларини очиш тўловлари камайтирилиб, 28040 сўмдан 14020 сўмга, қишлоқ жойларда эса 2804 сўмга туширилди. Экологик экспертизани ўтказиш учун тўлов ҳақи анча сезиларли қисқартирилди, у атроф-муҳитга зарар келтириш хавфхатари даражасига қараб табақалаштирилган тартибда белгиланади.

Касаначиликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур муҳим масалани ҳал этишда кичик бизнес иштирокини кенгайтириш мақсадида, қабул қилинган қарорда кичик корхоналарга ўз уйларида ишлаётган касаначилар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ходимлар сонининг чекланган нормативидан кўпи билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Айни вақтда кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолмоқда.

Қарорда республика Бош прокуратураси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига жойлардаги давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ рухсатномаларни олишда, ушбу масалаларни ҳал қилишда бюрократик тўсиқларни вужудга келтирмаслик ва сансалорликларга йўл қўймаслик устидан қаттиқ назоратни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шубҳасиз, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юритиш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ғоят муҳим, устувор вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш учун яна ҳам кўпроқ қулай шарт-шароитларни яратиб беради.

---

*Жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар ҳар бир инсонни ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундаши табиий ҳол. Айниқса, ҳозирда дунёнинг қатор давлатларини саросимага солаётган иқтисодий инқироз кўпчилигимизни ташвишлантирмоқда. Ҳар бир киши бу ҳақда эшитибоқ сергак тортади, ўзининг моддий таъминотини, оиладаги мавжуд иқтисодий номутаносибликларни чамалаб кўради. Ниманидир тежайди ва яна ниманингдир баҳридан кечади.*

# ҲАМЖИҲАТЛИК

## иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим омилидир

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида масаланинг мана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, аслида, нафақат корхоналар, балки фуқароларимиз учун айни заруратдир. Шу боисдан ҳам Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан сенаторлар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, маҳаллий дастурларни ишлаб чиқиш ва ижро этишда депутатларнинг масъуллигини ошириш лозимлигини қайд этишди. Айниқса, сайловчилар билан учрашувларда мамлакатимизда инқирозга қарши олиб борилаётган ишларнинг мазмуни, бажарилиши зарур бўлган ишлар борасида тушунтириш олиб бориш кераклиги таъкидланди.

Мамлакатимиз парламентининг юқори палатасида муҳокама этилган ушбу масала бугунги кунда республикамиздаги барча туман, шаҳар кенгашларида кўриб чиқилмоқда. Хусусан, Бухоро вилояти туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида инқироз оқибатларини енгиллаштириш, бундай шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

### Маҳаллий кенгашларда

— Бугун инқирозга қарши мамлакатимизда бажарилаётган тадбирлар кенг жамоатчиликнинг диққат марказида турибди, — дейди Пешку тумани кенгаши депутати Ш. Амонов. — Чунончи, пешкуликлар ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келиш сабаблари, туман шароитида уни ҳал этиш юзасидан атрофлича мулоҳаза юритишмоқда. Қолаверса, улар бу борада тегишли ахборотларга ҳам эга бўлмоқдалар. Албатта, бунда Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари дастуриламал бўлаётганини эътироф этиш керак. Пешкуда ҳам масалага шу асарда белгилаб берилган вазифалардан, қолаверса, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиқиб ёндашилаётганини таъкидлаш жоиз. Зеро, молиявий таназзул шароитида тумандаги 2299 та корхонанинг барқарор ишлашига эришиш, экспорт учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш айни муддаодир. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси туман ҳаётида ўз аксини топмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида 399 та, шу жумладан, Бандлик дастури доирасида 157 та, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида 37 та иш ўрни яратилди. Ҳудудга жами 3,3 млрд. сўмлик инвестициялар жалб этилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 144,1 фоизни ташкил этгани қувонарлидир. Пухта ўйланган бюджет сиёсати ва тежамкорлик эвазига маҳаллий бюджет даромади режаси 102,1 фоизга бажарилди.

Суҳбатдошимизнинг фикрига кўра, яқинда бўлиб ўтган туман кенгаши сессиясида доимий комиссиялар ва партия гуруҳлари фаолиятида туб ўзгариш қилиш, дастур ижросини таъминлашда уларнинг масъулиятини ошириш, ҳар бир депутатнинг вазифаларини белгилаш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди. Ҳар бир ҳудудда жорий йил охиригача мева, сабзавот ва полизни қайта ишлайдиган минитехнологияларни ишга тушириш ва минерал ўғит сотиладиган шохобчаларнинг сонини кўпайтиришга алоҳида урғу берилди.

Вилоятда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини сўзсиз таъминлашда барча бўғинларнинг баҳамжиҳат иш юритиши, айниқса, масалани асосий ижрочиларга тушунтиришга алоҳида эътибор берилди. Шу сабабли, барча туман ва шаҳар кенгашлари доимий комиссиялари Инқирозга қарши чоралар дастури юзасидан ўз режаларини ишлаб чиқишган.

— Туманимизда 11 та қишлоқ ва 44 та маҳалла фуқаролар йиғини, 2369 та корхона мавжуд, — дейди Вобкент тумани кенгаши депутати Т. Авезов. — Демак, барча комиссиялар, ҳар бир депутат молиявий таназзулга қарши республикамизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, ишлаб чиқилган дастурнинг мазмун-моҳиятини вобкентликларга етказиши лозим. Бундан ташқари, корхоналарни модернизация қилиш, жумладан, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш ва шу орқали маҳсулот сифатини, рақобатбардошлигини ошириш юзасидан жонкуяр, фидойи бўлиши ҳам талаб этилади. Айниқса, доимий комиссиялар тумандаги корхоналарга қулайликлар яратиш учун тегишли таклифлар билан чиқиши айни заруратдир. Шу мақсадда ҳар бир йиғилишимизда, учрашувларимизда маҳаллий корхоналар вакилларини таклиф этаяпмиз. Хусусан, туман кенгаши сессиясида турли ташкилотлар ҳамда корхоналардан вакиллар қатнашди. Масалаларнинг улар билан биргаликда муҳокама этилиши, табиийки, тадбиркорликнинг ривожига тўсиқ бўлиб турган айрим муаммоларни ўз жойида ҳал этишга шароит яратаётир.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинаётган Фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларни амалда қўллаш иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар орқали туман иқтисодиётида ижобий силжишларга эришилаяпти. Айниқса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 139,1 фоиз, қурилиш ишларида 103,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда 107,3 фоиз, чакана савдода 116 фоиз, пуллик хизматда 107 фоиз, маиший хизматда 106 фоиз, хизмат кўрсатиш ва сервисда 110,5 фоизни ташкил қилди. Зеро, ҳар қандай инқироз соҳалардаги ўсишлар, ўзгаришлар орқали бартараф этилади.

Суҳбатдошларимиз эътироф этганидек, молиявий таназзулнинг салбий оқибатларини камайтиришда ҳар бир ҳудудда унга қарши оқилона тадбирлар қўллашнинг аҳамияти беқиёс. Зеро, барчанинг ушбу масалага масъуллик билан ёндашиши, қуйи бўғинларда, жумладан, туман, шаҳар кенгашларида депутатлар фаоллигини янада ошириш, уларнинг фуқаролар ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бориши дастурнинг самарали ижро этилишига, энг муҳими эса, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий инқирознинг енгил ўтишига замин яратади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ ҚУДРАТБАХШ КУЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умумий қиймати қарийб 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган янги ускуналар Хитой Халқ Республикасидан келтирилди. Эътиборлиси, замонавий ускуналар ёрдамида диаметри 16 мм.дан 1200 мм.гача бўлган қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги иш ўринлари яратилиб, ишчилар сони 50 нафарга етказилди.

Корхонада маҳсулот турини кўпайтириш бўйича доимий изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳадемай, спорт иншоотлари учун сунъий чим ва резина қопламалар ишлаб чиқариш бошланади. Йил охиригача эса, истеъмолчиларга жами 7 минг тонна халқ истеъмоли моллари етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** жамият ҳаётидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**



---

*Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида "Намунали ҳарбий оила" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

# НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛА

Унинг очилиш маросимида сўз олганлар алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизда ёш оилаларни, хусусан, ҳарбий оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки оиланинг мустаҳкамлиги, тинчлиги жамият равнақининг муҳим асосларидан биридир. Шу маънода, Президентимиз томонидан имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилган қатор Фармон ва қарорлар ижроси туфайли ҳарбий оилаларнинг ўз уй-жойларига, яшаш учун зарур бўлган мебель ҳамда бошқа жиҳозларга эга бўлиб бораётгани бу борадаги эътибор ва ғамхўрлик кўлами нечоғли юксак эканидан яна бир далолатдир.

### Танлов

"Намунали ҳарбий оила" республика кўрик-танлови ҳам ҳарбий оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган. Бу гал учинчи бор ўтказилган мазкур танловнинг дастлабки босқичида юзга яқин ҳарбий оилалар иштирок этишди. Улар орасидан ғолиб чиққан 11 оила аъзолари сўнгги босқичда ўзаро куч синашдилар. Якунда биринчи ўрин кичик сержант Жамшид Ҳусаинов оиласига насиб этди. Иккинчи ўринни майор Арслонбек Баротов ҳамда сержант Пердебай Қайпназаров оилалари эгаллади. Учинчи ўринга кичик сержант Сарвар Ғаниев оиласи муносиб, деб топилди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларига ташкилотчиларнинг махсус дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Олима» уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда олима аёллар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, тадқиқотчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Парпиев, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ғ. Муҳамедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори Г. Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодга замон талаблари даражасида пухта билим бериш ҳамда ўғил-қизларимизни юксак маънавиятли, теран ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидладилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юртимиз ижтимоий-иқтисодий тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юрт тақдири учун дахлдор, бу борадаги масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир шахсларни камолга етказишга хизмат қилмоқда. Ҳозир юртимиздаги барча олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, таълим, фан, ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасидаги пухта интеграциялашувни таъминлаш, олима, тадқиқотчи хотин-қизларнинг фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, уларда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғояларга қарши иммунитетни ҳосил қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишдаги вазифаларни бажаришда эса ўқитувчилар, олима аёлларнинг ёшлар, хотин-қизлар билан иш олиб боришдаги масъулияти янада ошмоқда.

Семинарда олима аёлларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, устоз-шогирд анъанасини давом эттириш, бўлғуси мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

# ҲАЁТ КЎЗГУСИ БЎЛСИН

***Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши давлат ва жамоат ташкилотлари олдига қишлоқларни юксалтириш, уларнинг қиёфасини ўзгартиришга йўналтирилган узоқ муддатли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш вазифаларини қўймоқда.***

Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўз ўрни бор. Зеро, ислоҳотлар самараси ва фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифаларининг изчил амалга оширилиши аҳолининг ҳуқуқий хабардорлиги ҳамда маданияти билан бевосита боғлиқ.

Президентимиз бу борада тўхталиб, шундай деган эди: «Авваламбор, жамиятнинг том маънодаги ҳуқуқий онгини шакллантириш орқали унинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо этилади. Токи, одамлар ислоҳотларга қизиқишини намоён эта олсин. Унинг кузатувчиси ёки иштирокчиси эмас, балки бевосита ижрочиси сифатида юқоридаги олий мақсадни англаб етсин... Энг муҳими, давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг кенг иштирок этишига эришиш даркор. Бунинг учун матбуот, радио ва телевидение кўп иш қилиши керак. Токи қонунлардан, амалий ишлардан аҳоли ўз вақтида хабардор бўлсин».

Қолаверса, мамлакатимиз Президентининг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорида бу масала алоҳида эътиборга олинган. Жумладан, ушбу ҳужжатнинг 4-бандида дастурнинг мақсад ва вазифасини тушунтириш, уни амалга ошириш, қишлоқларни ободонлаштириш ва қиёфасини ўзгартириш бўйича амалга оширилажак ишлар белгиланган. Унга кўра, бу жараёнларни атрофлича ёритиш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва бошқа оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилади.

Айтиш лозимки, Давлат дастурини атрофлича ёритиш учун бизда барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Салоҳиятли газета ва журналлар бор, замонавий техника билан таъминланган телерадиолар ишлаб турибди. Соҳага ихтисослашган иқтидорли журналистлар кўплаб топилади. Энди улардан унумли фойдаланиш қолган, холос.

### 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Албатта, ОАВлар ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ахборот етказиб бериш, воқеаларни холис таҳлил қилиш, маълумот ва ҳодисалар моҳиятини изоҳлаш, шарҳлаш ва ижтимоий фикр уйғотишни ташкил қилишда қатнашиб келмоқда. Айни пайтда улар тарбиявий, инновацион, сафарбар қилиш, турли хил ижтимоий манфаатларни аниқлаштириш, танқид ва назорат қилиш, дам олиш ва жамоатчилик фикрини шакллантириш каби вазифаларни ҳам муваффақиятли бажараётганлигини таъкидлаш лозим. Кўриниб турибдики, Давлат дастурини муваффақиятли татбиқ этиш учун ОАВнинг кучи ва салоҳияти етарли.

Қолаверса, улар аллақачон "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва жараёнларни холис ёритишга киришган. Айниқса, бу борада қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган марказий ва маҳаллий нашрлар фаоллик кўрсата бошлади. Масалан, марказий нашрлардан «Қишлоқ ҳаёти», «Fermer Press», «Ўзбекистон фермери» газеталари ҳамда «Фермер», «O'zbekiston qishloq xo'jaligi», «Agro ILm», «Agro Biznes Inform» журналларида дастур билан боғлиқ мақолалар бериб борилаяпти. «Фермерлар ҳаёти» (Қашқадарё вилояти), «Қашқадарё фермери», «Фермер ва томорқачи» (Фарғона вилояти), «Бухоро фермери» газеталарида ўқишли мақолалар чоп этилмоқда.

Ихтисослашган нашрларда қишлоқ жойлардаги бандлик муаммоси, селекция ва уруғчилик истиқболи, мелиорация ишлари, фермер хўжаликлари фаолияти, ердан фойдаланишда учраётган қонунбузилиши ҳолатлари, хориждан келтирилаётган ўғитлардан фойдаланиш усуллари ва бошқа муҳим мавзулар кенг ёритилаётир.

Бундан ташқари, минтақаларда чоп этилаётган нашрларнинг бу борадаги улуши сезиларли бўлмоқда. Аммо улардаги мақолалар сони ва салмоғи ҳали қониқарли даражада эмас. Хусусан, минтақаларда рўйхатдан ўтган даврий нашрлар сони 476 тани ташкил этади.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ОАВ вакиллари бир қатор муҳим йўналишларга эътибор қаратишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Аввало, ушбу дастурнинг мақсад ва вазифалари асосида махсус рукнлар ташкил этилиши керак. Шунингдек, расмий матбуот нашрларида дастур доирасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини қўллаш тартиби, механизми, татбиқ этиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни ёритишга жиддий эътибор беришлари лозим.

Дастур доирасида қабул қилинаётган қонунлар ижросини ёритиш, фуқароларда қонун ва адолатга ишончни мустаҳкамлаш, жамоатчиликни сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда содир бўлаётган ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор этиб бориши керак бўлади. Шу билан бирга, республиканинг узоқ ва чекка минтақаларига ҳуқуқий нашрларнинг етиб бориши қийинлигини инобатга олиб, махсус радиодастурлар ташкил этиш айни муддаодир.

Қисқаси, мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтганидек, матбуот аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлиши, кишиларнинг фикр ҳамда хоҳиш-иродасининг эркин, холис ифодачиси, манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлиши керак. Мақсад — аҳоли барча жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлсин!

**Ж. АБДУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Инқироз таъсири

***Япониянинг йирик молия муассасаларидан бири — "Mizuho Financial Group" ўтган ҳисобот даврини зарар билан якунлаган.***




Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мамлакатда нуфузи жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи мазкур банк ўтган бир йил ичида 6,1 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағни бой берган. Бунга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва банк қимматли қоғозларининг қайта баҳоланиши сабаб бўлган.

Айтиш жоизки, шу пайтгача жаҳонда кузатилаётган иқтисодий инқирозга қарамай, Япония банклари фаолияти ижобий баҳоланиб келинаётганди. Апрель ойи ўрталарига келиб эса Халқаро валюта жамғармаси инқироз ушбу мамлакат молия тизимига 3 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар келтириши мумкинлигини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, сал аввалроқ мамлакатнинг йирик банки саналган "Mitsubishi UFJ" ҳам ўтган ҳисобот даврини 2,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги зарар билан якунлаганини билдирганди.

## Аслаҳа омборида портлаш

***Мисрнинг Исмоилия шаҳридан 15 километр узоқликда жойлашган Абу-Султон ҳарбий қароргоҳига тегишли қурол-аслаҳа омборида портлаш содир бўлган.***

"Al-Arabia" телеканали мазкур воқеадан яралангранлар борлиги ҳақида маълумот тарқатган. "Reuters" ахборот агентлиги эса бир неча киши қурбон бўлганини маълум қилган. Лекин ҳозирча бирорта манбада фалокат сабаблари ҳақида сўз юритилмаган.




## Тўққиз миллион еврога автомобиль

***Италиянинг Моранелла шаҳрида ўтказилган автомобиллар кимошди савдосида "Ferrari" компанияси томонидан 1957 йилда ишлаб чиқарилган "Ferrari 250 Testa Rossa" русумли машина 9 миллион евро (12 миллион АҚШ долларига яқин)га сотилди.***



Уни харид қилган ишқибознинг номи сирлигича қолди.

Компаниянинг бундай русумдаги автоуловлари 1957-58 йилларда ишлаб чиқарилган бўлиб, улар борйўғи 22 донани ташкил этади. Айни пайтгача шулардан учтаси кимошдида сотилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига асосан, аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларни қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2009 йил 10 июнь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

| Корхонанинг номи | Манзили | Сотиладиган улуш (%) | Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.) | Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.) | Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи (АҚШ долл.) |
|---|---|---|---|---|---|
| «Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи» УК | Фарғона вилояти | 100,0 | 37 000 000,0 | 2 600 000,0 | 2 000 |
| «IPAK YO'LI-TURIZM INVEST» ҚК МЧЖ («Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси) | Тошкент шаҳри | 39,0 | 11 300 000 | 5 000 000 | 2 000 |
| «Grand Mir» ҚК МЧЖ | Тошкент шаҳри | 35,0 | 7 808 500 | 2 800 000 | 2 000 |
| «Лайнер» дам олиш маскани | Тошкент вилояти | 100,0 | 796 800 | 180 000 | 100 |

**«Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи» УК** Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфурил спирти, этилланган техник спирти, фурфурол — 1-нав, ФХЛ-1 бурғулаш реагенти, той пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

**«Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонаси** пойтахтнинг марказида, Алишер Навоий ва Амир Темур шоҳкўчаларининг кесишмасида жойлашган. «Dedeman Silk Road Tashkent» 4 юлдузли меҳмонхона ҳисобланади. Меҳмонхонада 206 та шинам хона, ресторан, кафе, бар, тунги клуб мавжуд, шунингдек, конференция ва учрашувлар ўтказиш учун ҳамма қулайликлар яратилган. Меҳмонхонада «Life Style» соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатади.

**«Grand Mir» меҳмонхонаси** пойтахтнинг марказида, У. Носир ва Миробод (собиқ Кунаев кўчаси) кўчаларининг кесишмасида жойлашган. «Grand Mir» меҳмонхонаси 5 юлдуз мақомига эга. Меҳмонхонада 126 та шинам хона, иккита ресторан, кафе, бар, соғломлаштириш клуби, кўп мақсадли 250 кишилик конференц-зал мавжуд.

**«Лайнер» дам олиш маскани** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Янгиқўрғон қўрғонида жойлашган. 1984 йилда ишга туширилган бўлиб, «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси балансида ва унинг ижтимоий инфратузилмаси ҳисобланади. Дам олиш маскани йилига 2 400 нафар кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони — 7 гектар, шу жумладан, асосий бино ва иншоотлар жойлашган ер майдони — 1,05 гектар.

Тендерда иштирок этиш истагидаги сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

*- валюта рақами 20203840500600289001;*
*- ҳисоб рақами 20203000600600289001,*
*«Ипак йўли» АИТБ, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй,*
*ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.*

**Тендер таклифлари очилиши 2009 йил 10 июнь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Кимёсаноат соҳаси ва меҳмонхоналар бўйича:**

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор в. б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжонович эътиборига.
Телефон: (+998 71) 259-22-51.
Факс: (+998 71) 259-22-79.
Эл. манзил: ccpbuz@tps.uz

**Дам олиш маскани бўйича:**

Давлат мулки қўмитаси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 8-қават.
Маматов Одилжон Абдуғаффарович эътиборига.
Телефон: (+998 71) 259-21-90.
Факс: (+998 71) 259-20-72.
Веб-сайт: www.gki.uz

471-1Н/070

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**СЕРВЕР УСКУНАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН КИЛАДИ.**



**Танловда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади.**

**Танловда қатнашиш учун буюртманома юборган шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чиққан санадан кейинги 6 календарь куни мобайнида берилади.**

**Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш 2009 йил 9 июнь куни соат 12.00 да тўхтатилади.**

**Буюртманома шакли ва танлов ҳужжатларини олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, «Ўзмиллийбанк» бош маъмурий биноси.**
**Телефон: 238-93-02. Интернет-сайт: www.nbu.com**
**Алоқада бўлувчи шахс — Ракитский Антон Александрович.**

489Н/130

## Р. Глиэр номидаги Республика махсус мусиқий академик лицейи

**(мактаб синфларига) 2009/2010 ўқув йилига 1 ва 5-синфларга ўқувчилар қабул қилишини эълон қилади.**

*Ҳужжатлар 2009 йил 15 майдан 5 июнгача соат 16.00 га қадар қабул қилинади.*



***Маслаҳат кунлари — 26 майдан 5 июнгача ҳар куни соат 9.00 дан 12.00 гача ва соат 17.00 дан 19.00 гача. Қабул имтиҳонлари 6 ва 7 июнь кунлари бўлиб ўтади.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Саидова кўчаси, 4-уй. Телефон: 246-03-24. Транспорт: 28, 34, 76, 87, 131-автобуслар ва 2, 4-троллейбусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.**

## O'ZSANOATQURILISHBANK




| Омонат (депозит) номи | Муддати | Йиллик фоиз ставкаси |
|---|---|---|
| **МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:** | | |
| «Талаб қилиб олингунча» | муддатсиз | 5% |
| «Мақсадли» | муддатсиз | 1% |
| «Кредит таъминоти» | муддатсиз | 5% |
| «Болаларнинг мақсадли омонати» | 10 йил | 22% |
| «Сармоя» | 9 ой | 14-22% |
| «Такдим этувчига» | 4 ой | 18% |
| «Фойдали» | 6 ой | 18% |
| «Ипотека» | муддатсиз | 1% |
| «Саховат» | 3 ой | 18% |
| «Фидойи» | 1 йилдан кам бўлмаган | 25% |
| «Наврўз туҳфаси» | 1 йилдан кам бўлмаган | 24% |
| «КВ-1» | 1 ой | 18% |
| «Маиший хизмат тўловига» | 2 йилга | 22% |
| «Танлов» | 6 ой | 18% |
| «Саломатлик» | 3 ой | 18% |
| «Ғаройиб» | 1 ой | 18% |
| «Кўклам» | 2 ой | 18% |
| «Ажойиб» | 3 ой | 18% |
| «Шодиёна» | 3 ой | 18% |
| «Капитал плюс» | 6 ой | 18% |
| «Ниҳол» тақдим этувчига | 18 ой | 18% |
| «Омад» | 18 ой | 18% |
| «Мадад-1» | 3 ой | 18% |
| «Мадад-2» | 4 ой | 18% |
| «Мадад-3» | 6 ой | 18% |
| «Мадад-4» | 9 ой | 18% |
| «Янги йил совғаси» | 6 ой | 30% |
| «Тараққиёт-2» | 2 йил | 25% |
| «Тараққиёт-3» | 3 йил | 27% |
| «Тараққиёт-5» | 5 йил | 30% |
| **ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:** | | |
| «Талаб қилиб олингунча» | муддатсиз | 2% |
| «Муддатли» | 1 йилдан кам бўлмаган | 6% |
| «Капитал» АҚШ долларида | 6 ой | 4% |
| «Тақдим этувчига» | муддатсиз | 1% |
| «Имконият» тақдим этувчига | 18 ой | 7% |
| «Мультивалютали» | 18 ой | 5% |
| «Янги йил совғаси» | 6 ой | 12% |

**ОМОНАТЛАРГА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**"Ўзсаноатқурилишбанк"да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**Мурожаат учун телефон: (8 371) 120-45-24, www.uzpsb.uz**

Хизматлар лицензияланган №17

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

***Мамлакатимиз ёшлари "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг Сирдарё вилоятида бўлиб ўтадиган республика босқичини орзиқиб кутишмоқда.***

# ЯНГИ МАРРАЛАР КЎЗЛАНМОҚДА

Самарқандлик спортчилар ҳам ушбу мусобақаларда совриндорлар сафидан жой олишни мақсад қилиб қўйишган. Маълумки, 2004 йил кузида Самарқандда уч босқичли спорт ўйинларидан бири — "Универсиада" мусобақалари бўлиб ўтган эди. Шу муносабат билан шаҳарда жаҳон андозалари даражасидаги янги стадион, бир қанча салобатли ва муҳташам спорт мажмуалари барпо этилди. Бундан ташқари, маҳалла ва мактаблардаги мавжуд спорт иншоотларида яратилган қулайликлар ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларини янада оширди. Вилоят ўқувчилари "Умид ниҳоллари — 2006" спорт ўйинларининг Қашқадарёда ўтказилган финал босқичида 10 та олтин, 10 та кумуш ва 9 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллашган эди. Хўш, шунчалик имкониятларга эга вилоят ёшларига мамлакат миқёсида тўртинчи ўрин кифоями?

— Қашқадарёдаги мусобақалардан кейинги уч йил мобайнида вилоятимиз мактабларида "Умид ниҳоллари"нинг навбатдаги республика финал босқичига жиддий тайёргарлик кўрилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Фурқат Ҳожиев. — Аввало, синфлар ва мактаблар ўртасида беллашувлар ташкил этилди. Кейинчалик туманлараро мусобақалар ўтказилди. Энг чаққон, эпчил, маҳоратли ўқувчиларга мураббийлар алоҳида эътибор қаратишди. Мақсадимиз, Гулистонда юқори натижаларга эришиш.

Вилоят босқичида 2000 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Спортнинг 12 тури бўйича муросасиз ўтган беллашувларда умумжамоа ҳисобида Самарқанд шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. Пастдарғом тумани ўқувчилари иккинчи, булунғурлик ёшлар эса учинчи бўлишди. Шунингдек, Ургут, Пахтачи ва Нуробод туманлари жамоалари ҳам юқори натижаларга эришдилар.

Ҳозир 128 нафар ўқувчидан иборат вилоят терма жамоаси тажрибали мураббийлар раҳбарлигида доимий машғулотларда иштирок этишмоқда. Мутахассислар бадиий гимнастика, шахмат, стол тенниси бўйича юқори ўринларни эгаллашга умид боғлашаяпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуасида мини-футбол бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.***

## «СЕВИНЧ» КУБОКНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Кубокнинг амалдаги соҳиби, Қаршининг "Севинч" жамоаси ўз унвонини муносиб ҳимоя қилган ҳолда, барча рақибларидан устун эканлигини яна бир карра исботлади. Қаршилик қизлар ярим финалда Бекободнинг "Зафар" жамоасига қарши майдонга тушиб, 16:0 ҳисобида зафар қучишди. Иккинчи ярим финал учрашувида эса, "Олимпия" (Қарши) — "Олимпик" (Тошкент) жамоалари ўзаро куч синашдилар. Ушбу беллашувда Қашқадарё вилояти қизларининг қўли баланд келди — 10:1.

Финал учрашуви эса "Қарши дербиси"га айланди. "Олимпия" жамоаси футболчилари номдор рақибларига қарши курашда ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, барибир тажриба ўз сўзини айтди. Якунда "Севинч" 6:3 ҳисобида ишончли ғалабага эришди.

***«Пахтакор»:***

## УЧ ЎЙИНДА 12 ТА ТЎП

***Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигасида ўнинчи тур учрашувлари якунланди.***



Чемпионат пешқадами "Бунёдкор" сафарда "Андижон" жамоаси меҳмони бўлиб, 1:2 ҳисобида зафар қучди ва очколарини 30 тага етказиб олди. Иккинчи ўринда бораётган "Пахтакор" эса ўз майдонида "Нефтчи"ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Таъкидлаш лозимки, бу "Пахтакорчи"ларнинг кетма-кет учинчи ("Динамо" 4:0, "Қизилқум" 5:0) йирик ғалабасидир.

Ўнинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Шўртан" — "Хоразм" 1:0, "Локомотив" — "Олмалиқ" 2:1, "Навбаҳор" — "Динамо" 1:0, "Бухоро" — "Машъал" 1:1, "Насаф" — "Қизилқум" 2:0, "Металлург" — "Сўғдиёна" 3:1.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

Спорт ● Sport

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

***Бухоро шаҳрида 100 катакли шашка бўйича 16 ҳамда 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида мамлакат биринчилиги ўтказилди.***

Самарқандлик Мунира Турсунова 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Ўғил болалар ўртасида ғолиблик мезбонлар вакили Нурали Раҳматовга насиб этди. 20 ёшгача бўлган шашкачилар баҳси анча кескин кечди. Негаки, ғолиб жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўларди. Омад бухоролик тажрибали шашкачи, Осиё чемпиони Нигина Бозоровага кулиб боқди. У олтин медални қўлга киритди. Ўғил болалар ўртасида эса яна бир бухоролик Ойбек Ибодовга етадигани топилмади. Мамлакат биринчилигида Сирдарё ҳамда Фарғона вилоятлари шашкачилари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИРИНЧИЛИК ЯКУНЛАНДИ

***Наманагандаги "Ёшлик" сув ҳавзасида сув полоси бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳамда Қозоғистон Республикаси терма жамоаларининг 130 нафар спортчиси иштирок этди.***

Қизлар ўртасидаги беллашувларда Наманган вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 23-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари алоҳида маҳорат кўрсатдилар. Эркаклар ўртасида эса биринчи ўрин Марказий ҳарбий спорт клуби сузувчиларига насиб этди. Тошкентдаги 13-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ва республика Халқ таълими вазирлиги жамоаси ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (19 май)





**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим ҳудудларга кечаси ва эрталаб ёмғир ёғади. Тунда 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Қисқа муддатли ёмғир ёғади. Кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ҳарорат тунда 13-15, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

***«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.***

# ШАХСИЙ ГИГИЕНА — САЛОМАТЛИК КАФОЛАТИ

***Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида қайд этилаётган янги грипп хасталиги — A/H1N1 вируси аломатлари дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётгани сир эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозирга қадар дунёнинг 30 та давлатида ушбу касалликка чалинган беморлар рўйхатга олинган. Янги грипп аломатлари, айниқса, Мексика, АҚШ, Канада, Испания, Янги Зеландия, Исроил, Англия, Австрия, Германия, Корея Халқ Демократик Республикаси, Коста-Рика, Голландия, Жанубий Корея, Франция, Дания, Швейцария, Италия, Ирландия, Сальвадор, Колумбия давлатларида кузатилган.***

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, шу кунга қадар ушбу хасталикка чалинган беморлар қарийб 5 минг нафар кишини ташкил этади. Таассуфки, уларнинг 53 нафари мазкур хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

Мазкур касаллик аломатлари мавсумий грипп ва ўткир респиратор, яъни кучли шамоллаш аломатлари билан кечадиган хасталик белгиларидан деярли фарқ қилмайди. A/H1N1 гриппи манбаи бемор инсон бўлиб, вирус нафақат ҳаво-томчи, балки маиший мулоқот йўли билан ҳам юқиши мумкин. Хасталикнинг яширин даври бир неча соатдан 7 кунгача, ўртача 2-3 кун бўлади. Кейин эса кучли аломатлар, хусусан, тана ҳароратининг кўтарилиши, эт увишиши, ҳолсизлик, бош оғриғи, иштаҳа пасайиши, танада оғриқлар каби белгилар кузатилади. Тана ҳарорати бир неча соат оралиғида 38,5-40 С даражагача кўтарилиб, беморнинг аҳволи оғирлашади. Айрим беморларда қайт қилиш, ич кетиши ва зотилжам каби асоратлар бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган белгилар кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Шу ўринда табиий бир савол туғилиши мумкин: хўш, ушбу касалликнинг олдини олиш ёхуд уни даволаш учун қандай чора-тадбирлар кўриш талаб этилади?

Маълумки, айни пайтда A/H1N1 гриппи профилактикаси ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, унга қарши қўлланиладиган чора-тадбирлар умумий кўринишга эга. Хусусан, касалликдан сақланиш учун мазкур грипп тури бўйича эпидемик вазият нохуш бўлган қўшни давлатларга сафарларни чеклаш, шахсий гигиена қоидаларига, овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига риоя қилиш, беморларни ўз вақтида, алоҳида тартибда даволаш ҳамда аҳоли ўртасида касаллик кенг тарқалиб кетмаслиги учун беморлар билан мулоқот қилмаслик зарур. Агар беморда A/H1N1 вируси аломатлари аниқланса, хасталик асоратларининг олдини олиш ва даволаш учун у ётиб даволаниши керак.

### Эҳтиёт шарт

Айни пайтда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида ушбу касалликка чалинган беморлар рўйхатга олинмаган. Шундай бўлса-да, A/H1N1 гриппининг олдини олиш ва уни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва жойлардаги Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари қошида ташкил этилган эпидемияга қарши кураш штабида ушбу масалага доир чора-тадбирлар мувофиқлаштирилиб, уларнинг ижроси таъминланиши қатъий назорат қилиб борилаяпти.

Айни кунларда Тошкент вилоятининг барча юқумли касалликлар шифохоналарида мазкур хасталикда гумон қилинган беморлар учун алоҳида жойлар ажратилган бўлиб, дори-дармон, шахсий ҳимоя воситалари ва зарарсизлантириш моддалари захираси яратилган. Бинобарин, вилоятнинг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларидаги 5 та санитария назорати пунктларида республикамиз ҳудудига кириб келаётган қўшни давлат фуқароларини тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари кучайтирилган.

Эслатиб ўтамизки, кучли шамоллаш аломатлари сезилган беморлар шифокорга мурожаат қилишни пайсалга солмасликлари даркор. Бунга қадар эса касалликка чалинган инсон уйда, оила аъзоларидан алоҳида бўлиши, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, умуман ташқарига чиқмаслиги, докали ниқобдан фойдаланиши, лимонли, асалли, малинали чой, иссиқ сут ҳамда наъматак дамламасини истеъмол қилиши талаб этилади.

Шунингдек, жамоат жойлари (мактаб, боғча, концерт заллари, иш жойларида ва жамоат транспортлари)да докали ниқоблардан фойдаланиш, хоналарни тез-тез шамоллатиш ва намли тозалаш ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, грипп хасталигига чалинган беморлар билан мулоқотда бу талабларга риоя қилишни унутмаслигимиз зарур. Ўз навбатида, хоналарни зарарсизлантириш ишларида таркибида хлор сақловчи — хлорамин, хлорли оҳак ва бошқа воситалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Бундай вазиятда инсон саломатлигини асрашнинг энг муҳим шарти — эҳтиёткорлик. Зеро, ўз соғлиғи хусусида қайғурган инсон бу борада асло бефарқ бўла олмаслиги, табиий. Шундай экан, соғлом ҳаётимиз кафолатини таъминлашга бугундан киришайлик!

**Ғофуржон ТОЖИБОЕВ,**
**Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокор ўринбосари.**


## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ,

**«РОҲАТ» БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИ СОТИЛИШИ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

«Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Бухоро вилоятининг Олот туманида жойлашган. 1974 йилда ишга туширилган бўлиб, Олот тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг балансида ҳисобланади. Оромгоҳ йилига 160-190 кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони — 9 078 $м^2$, шу жумладан, асосий бинолар ва иншоотлар жойлашган ер майдони — 895 $м^2$, кўкаламзор майдони — 4 621 $м^2$, асфальтланган майдони — 3 562 $м^2$. Оромгоҳ ҳудудида 11 та бино ва иншоотлар мавжуд.

«Роҳат» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг бошланғич баҳоси — 36 000 (ўттиз олти минг) АҚШ долларини ҳамда инвестиция мажбуриятлари 50 000 (эллик минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истагидаги сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи — 100 (юз) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

*- валюта рақами 20203840500600289001;*
*- ҳисоб рақами 20203000600600289001,*
*«Ипак йўли» АИТБ, СТИР 201122696, банк коди 00444,*
*S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.*

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2009 йил 10 июнь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2009 йил 10 июнь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг бош бошқармасига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.**
**Маматов Одилжон Абдуғаффорович эътиборига.**
**Телефон: (+998 71) 259-21-90. Факс: (+998 71) 259-20-72. Веб-сайт: www.gki.uz**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

**ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ,

**«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 25 ФОИЗ АКЦИЯЛАР ПАКЕТИ СОТИЛИШИ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» ОАЖ Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида жойлашган бўлиб, 1997 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури — қурилиш-монтаж ишлари, капитал таъмирлаш, магистраль ва даҳалар ичидаги иссиқлик ўтказиш тизимларини капитал таъмирлаш ҳамда қуриш, коммунал хўжалиги объектларининг умумий қурилиш ишларини олиб боришдан иборат.

«ISSIQLIKQUVVATTA'MIR» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 фоизини ташкил этувчи 22 945 (йигирма икки минг тўққиз юз қирқ беш) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акциялар пакетининг бошланғич баҳоси — 640 000 (олти юз қирқ минг) АҚШ долларини ҳамда корхона бўйича инвестиция мажбуриятлари — 150 000 (бир юз эллик минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истагидаги сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи — 100 (юз) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

*- валюта рақами 20203840500600289001;*
*- ҳисоб рақами 20203000600600289001,*
*«Ипак йўли» АИТБ, СТИР 201122696, банк коди 00444,*
*S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.*

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2009 йил 10 июнь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2009 йил 10 июнь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг бош бошқармасига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.**
**Маматов Одилжон Абдуғаффорович эътиборига.**
**Телефон: (+998 71) 259-21-90. Факс: (+998 71) 259-20-72. Веб-сайт: www.gki.uz**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 7 8